

АНДИЖОН ВА НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИДА ЎСАЁТГАН БОДОМНИНГ ЭКОШАКЛЛАРИНИ ДАСТЛАБКИ БАҲОЛАШ

Б.И. Эшанкулов,

катта илмий ходим, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Тошкент

М.У. Махамматова,

доцент, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

М.А. Охунов,

докторант (PhD), Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Тошкент

***Аннотация.** Фарғона водийсида оддий бодом етиштиришнинг жуда яхши маданияти шакланган. Ўзбекистон оддий бодомнинг ватани ҳисобланади ва бу ерда унинг бир неча юзлаб экошакллари мавжуд. Шу сабабли Фарғона водийсида ўсаётган бодомлардан селекция объекти сифатида фойдаланса бўлади. Ушбу мақолада Андижон ва Наманган вилоятларида ўсаётган оддий бодомнинг айрим шаклларида дастлабки кузатиш натижалари ҳақида маълумотлар келтирилган.*

***Калит сўзлар:** ёнғоқмева, тоғ ва тоғ олди, озиқ-овқат, экошакл, хонадон, йирикмева, ҳосилдор, хуштаъм, мағиз, нав.*

Кириш. Ўзбекистонда ўстирилаётган ёнғоқмевали дарахтлар орасида бодом алоҳида мавқега эга. Бодом турлари ўрмон хўжаликларида тоғ ва тоғ олди ҳудудларни ўрмонлаштиришда мелиоратив аҳамиятга эга бўлса, меваси озиқ-овқат ва дориворлик хусусиятига эга ҳисобланади. Қадимдан Марказий Осиё халқларининг асосий озиқ-овқат ресурсларидан бири ҳисобланган ва хонадонларда жуда кўплаб ўстирилган.

Маълумки юртимизда узоқ тарихий даврлардан буён маданийлаштирилган ва халқ селекцияси томонидан яратилган йирик мевали ва серҳосил ширинбодом навлари аҳоли томонидан кўплаб ўстирилган. Бодом мағзи хуштаъмлиги билан машҳурдир, шу сабабли оддий (ширин) бодом меваси бутун дунёда энг қимматли ёнғоқмевалардан бири ҳисобланади [4].

Тадқиқот услуби. Селекциянинг якка танлаш услубида амалга оширилди [1].

Тадқиқот натижалари. Оддий бодом (*Amygdales communis* L.) доимо ўрмон селекцияси предмети бўлиб келган, унинг кўплаб йирик мевали ва серҳосил навлари яратилган. Бодом мағзи ўзига хос таъмга эга бўлиб, озиқ - овқат саноатида муҳим аҳамиятга эга [2, 3]. Фарғона водийсида оддий

бодомнинг бир неча юзлаб шакллари мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш, хўжалик белгилари бўйича қимматбаҳо шакллари ажратиш ва улар асосида янги навларни яратиш ёнғоқмеваларни етиштиришда долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳосилдор, йирик мевали, меваларни сифати, хажми ва шаклига кўра бир биридан фарқланувчи турли навлар яратилган бўлсада, тез ривожланиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитида ва иқлим ўзгаришлари сабабли курғоқчиликка чидамли бу турга алоҳида эътибор бериш керак деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги кунда аҳоли хонадонлари, томорқа участкалари, боғларда оддий бодомнинг жуда кўплаб экошакллари тўпланиб қолган. Бу бодомлар тўғрисидаги маълумотларни эса ушбу боғ эгаларидан тўлиқ олиш мумкин. Шу сабабли ушбу селекциянинг бошланғич манбасини йиғиш мақсадида Фарғона водийсининг турли ҳудудларида илмий изланишлар ўтказилди. Бунинг учун ҳудудларга бориб оддий бодом дарахтларининг экилган йили, экилиш тарихи, гуллаш муддатлари, ҳосилдорлиги, мағзининг таъми каби маълумотлар йиғилди. Дарахтларда таксацион ўлчашлар, вегетацион кузатувлар ўтказилди. Ёнғоқмева ўлчамлари ва мағиз кўрсаткичлари ҳам ўлчаниб дала дафтарига қайд этилди.

1-жадвал

Андижон ва Наманган вилоятларида ўрганилаётган оддий бодом шакллари ёнғоғининг морфологик белгилари

Т/р	Шаклнинг шартли номи	Оғирлиги, г		Мағиз чиқиши, %	Ёнғоқмева хажми, см
		Данак	Мағиз		
1	F-A-11	1,5	1,0	66,7	2,2x1,3x1,2
2	F-A-12	2,45	0,75	30,6	3,0x1,7x1,3
3	F-A-13	1,7	0,7	41,1	2,6x1,5x1,3
4	F-A-14	1,9	0,8	42,1	2,5x1,6x1,3
5	F-A-15	1,45	0,7	48,2	2,2x1,6x1,3
6	F-N-1	2,0	0,75	37,5	2,5x1,8x1,3
7	F-N-2	1,4	0,6	42,8	2,5x1,6x1,4
8	F-N-3	1,9	0,9	47,3	2,5x1,5x1,3
9	F-N-4	1,8	0,65	36,1	2,4x1,5x1,3
10	F-N-5	2,3	1,1	47,8	3,7x2,1x1,7

2-жадвал

**Ўрганилаётган оддий бодом ёнғоқмевасининг 1000 дона уруғ вази
ва 1 кг даги уруғ сони**

Т/р	Шаклининг шартли номи	1000 дона уруғ вази, г	1 кг даги уруғ сони, дона
1	F-A-11	1500	667
2	F-A-12	2450	408
3	F-A-13	1700	588
4	F-A-14	1900	526
5	F-A-15	1450	690
6	F-N-1	2000	500
7	F-N-2	1400	714
8	F-N-3	1900	526
9	F-N-4	1800	555
10	F-N-5	2300	434



Шакл- А-11



Шакл- А-12



Шакл-А-13



Шакл- А-14



Шакл-А-15



Шакл-N-1



Шакл-N-2



Шакл-N-3



Шакл-N-4



Шакл-N-5

1-расм. Ўрганилаётган оддий бодом ёнғоқмевасининг кўриниши.

3-жадвал

**Оддий бодом дарахтларининг таксацион кўрсаткичлари
(Андижон вилояти Улуғнор тумани, Наманган вилояти Мингбулоқ
тумани)**

Т/р	Шаклнинг шартли номи	Жойлашган ҳудуд	Таксацион белгилари, м			Ҳосилдорлик, кг
			бўйи	тана диаметри	шоҳ-шаббаси	
1	F-A-11	Улуғнор тумани, Мингбулоқ МФЙ	4	0,40	3 x 3,5	12
2	F-A-12	Улуғнор тумани, Янгиобод МФЙ	5	0,45	4 x 3	8
3	F-A-13	Улуғнор тумани, Янгиобод МФЙ	4	0,40	3 x 3	8
4	F-A-14	Улуғнор тумани, Янгиобод МФЙ	5	0,55	4 x 3	6
5	F-A-15	Улуғнор тумани, Янгиобод МФЙ	4	0,65	4 x 4	12
6	F-N-1	Мингбулоқ тумани,	5	0,6	5 x 4	20

		Гуртепа МФЙ				
7	F-N-2	Мингбулоқ тумани, Гуртепа МФЙ	4	0,4	4 x 3	6
8	F-N-3	Мингбулоқ тумани, Гуртепа МФЙ	5	0,30	3,5 x 3	12
9	F-N-4	Мингбулоқ тумани, Гуртепа МФЙ	4	0,40	3 x 4	13

3-жадвалдан барча оддий бодомларнинг 6 кг дан кам бўлмаган ҳосили бор эканлиги, F-N-1 шаклида энг кўп, яъни 20 кг ҳосил борлиги аниқланди.

Хулоса. Оддий бодом дарахтлари ёнғоқмевасининг ўтказилган таксацион ўрганишлардан дастлабки кўрсаткичлари билан бирга вегетация даври, гуллаш муддати, гуллаш давомийлиги, ҳосилдорлик ва ҳосилдлли йилларнинг давомийлиги ёки қайтарилиш, касаллик ва зараркунандаларга таъсирчанлиги каби кўрсаткичларини тўлиқ ўрганишимиз керак бўлади. Бу ёнғоқмеваларнинг энг устун томони мағзининг хуштаъмлиги ҳисобланади, келажакда юқорида кўрсатиб ўтилган ижобий кўрсаткичлари асосида истиқболли шаклларни ажратиш олишимиз ва нав сифатида тавсия этишимиз мумкин бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бутков Е.А. “Бодом дарахтлари чангланиши, зараркунандалар ва касалликларга қарши иммунитетини ошириш ва ерни самарали бошқариш учун бодом навларининг хилма-хиллигини ва комплекс агротехник тадбирларини қўллаш бўйича” қўлланма. Тошкент -2022.
2. Кайимов А.К., Бердиев Э.Т. Дендрология. – Тошкент: Фан ва технология, 2012.
3. Хоназаров А.А. Ўзбекистонда ўрмонзорлар барпо қилиш асослари. – Тошкент, 2002.
4. [Миндаль обыкновенный](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9C%D0%B8%D0%B0%D0%B4%D0%B0%D0%BA%D0%9C_%D0%BE%D0%B4%D0%BB%D0%9C%D0%BB%D0%B0%D0%B4%D0%BB%D0%B0%D0%B0%D0%B4%D0%BB%D0%9C) — Википедия ([wikipedia.org](https://www.wikipedia.org))